

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ МЕЪРОЖНОМАСИ ВА УНИНГ МАТНИЙ ТАҲЛИЛИ

Jahongir Turdiyev
Oriental universiteti
Sharq tillari kafedrası
dotsenti v.b., filol.f.b.f.d (PhD).
E-mail: jahongirshoh15@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Сулаймон Боқирғонийнинг меърож мавзуида ёзган “Меърожнома” асари қўлёзмалари, уларнинг тузилиши ва манбашунослик тадқиқи ҳақида бўлиб, уларнинг ўзаро қиёси натижасида аниқланган матний фарқлари хусусида илмий баҳс юритилади.

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет о рукописях сочинения Сулеймана Бакиргани “Миражنامه” на тему мираж, их структуре и источниковедении, а также о текстовых различиях, выявленных в результате их взаимного сопоставления.

ABSTRACT

This article is about the manuscripts of Sulayman Bakirgani's "Mirajname" on the subject of miraj, their structure and source studies, and the textual differences identified as a result of their mutual comparison are also included.

Аждодларимиз томонидан бизга мерос бўлиб қолган қўлёзма ёдгорликларини матнини тадқиқ этар эканмиз, уларнинг дунёқараши, тафаккури нечоғлиқ кенг ва бой эканлигига гувоҳ бўламиз. Қўлёзма асарларнинг тилини, тузулишини, услубини тадқиқ этиш жараёнида бизга маълум бўлмаган қирралари намоён бўлиб бораверади. Айниқса, асарларда бадиий услуб воситаларининг кенг қўлланилганлиги, асар жозибаси ва қимматини янада оширади. Маълумки, мумтоз адабиётимиз намуналарини ёзишда муаллифлар Ислом руҳини акс эттириб, Қуръондан олинган оятлар ва ҳадиси шарифлар билан бойитганлар. Мумтоз адабиётимиз намуналарини хоҳ у насрдан, хоҳ назмдан иборат бўлсин, Қуръони Карим оятлари ва ҳадисларсиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Бу эса аксарият ҳолларда, баён қилинаётган фикрнинг, диний

ғоянинг тўғри эканлигини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Назмда битилган меърожномалар мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин. Бу турдаги асарлар асосини ҳадислар ташкил этади.

Меърож ҳодисаси туркий адабиётда энг кўп ёритилган мумтоз мавзулардан дейиш мумкин. Туркий тилда меърож мавзуси ёритилган мустақил асарнинг илк намунаси сифатида XII асрда битилган “Me’rājnāma-i ān hazrat” асари бўлиб, муаллифи Ҳаким ота номи билан машҳур Сулаймон Боқирғонийдир. Мазкур асар 122 байтдан иборат. Демак, XII асрдан бошлаб туркий адабиётда назмий меърожномалар ёзила бошланган ва туркий халқлар маънавий дунёқарашни шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган.

Бадиий услуб ёзма услубнинг бошқа турларидан айри ўлароқ, бадиий тасвир воситаларининг кенг ишлатилиши, баён тарзи, стилистик ўлчовларининг эркинлиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, бадиий матн мақол ва иборалар, бадиий тасвир воситаларининг кенг қўлланилиши билан таъсирлидир. Матн услуби муаллифнинг ёки асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиришга, асарнинг бадиий ғоявий таъсирини оширишга хизмат қилади.¹

Бундан ташқари бутун мумтоз шеърятда бу ҳодиса ифодасига ишора этиш, меърож мотиви орқали жозибали бадиий-эстетик манзаралар яратиш анъанаси мавзунинг ниҳоятда кенг қамровли эканлигидан далолат беради².

Сулаймон Боқирғоний қаламига мансуб меърож мавзуси ёритилган “Me’rājnāma” асари қўлёзмалари матнидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни тадқиқ этиш ўзбек матншунослари олдида турган долзарб масалалардандир. ЎЗР ФА Шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланаётган 8405 рақамли ҳамда 574/IV рақами остида сақланаётган Сулаймон Боқирғоний қаламига мансуб “Me’rājnāma” асари қўлёзмаларини қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш жараёнида, улар ўртасидаги тафовут ва мувофиқликлар кузатилди.

ЎЗР ФА ШИ фондида сақланаётган 8405 рақами остида сақланаётган қўлёзма. Мажмуада Қул Сулаймонга оид асарлар 82б-130а саҳифалардан ўрин олган бўлиб, шундан 100а-102б саҳифаларида Сулаймон Боқирғонийнинг “Me’rājnāma” асари ўрин олган.

Мош рангли муқоваси картондан ишланган. Муқовасознинг номи зикр этилмаган. Варақлар ўлчами 28x17,5 см, матн ўлчами 25x15,5см. Қаторлар сони 21 та. Матн араб ёзувининг настаълиқ хат турида, қора сиёҳда битилган.

¹ Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Т., 2010. –Б. 14-15.

² Қобилов У. Нубувват ҳақиқати – бадиий ижод руҳи. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 2021. Б 29.

Пойгирлари бор. Қўлёмани ким ва қачон кўчиргани ҳақида маълумот йўқ. Матн шарқ қоғозига кўчирилганидан тахминан XIX аср ўрталарида кўчирилган дейиш мумкин. Мазкур қўлёмна Сулаймон Боқирғоний асарлари энг кўп ўрин олган нусхаларидан бири бўлиб, саводли ёзилгани билан ажралиб туради. Асарнинг бошланиши:

اول بيرو بارايركليك كوركلوك نظر قىلدى يا

مصطفنى اوزروبان بيزنى امة قىلدى يا

Ul Bir-u Bar Erklig, Körklük nazar qıldiyā,

Mustfānī üzrübān, bizni ummat qıldiyā (100a).

“Me’rājnāma”нинг сўнги байти:

قىرق ارشينغه بيتار ايردى اوشبو غسة

بيلان بولوب موسى امان قالدى ديرلار

Qırq arşīnğa yetār erdi uşbü yussa,

Yılan bolup Musā amān qaldī derlār. (102b).

ЎЗР ФА ШИ фондида 574/IV рақами остида сақланаётган Бақирғоний китоби номли қўлёмна. Муаллифнинг “Me’rājnāma” асари 63а-66а саҳифаларидан ўрин олган.

Бу қўлёмна муқоваси ҳам картондан ишланган мош рангда. Муқовада муқовасознинг номи зикр этилмаган. Ўлчами 20x12,5см, матн ўлчами 18x11 см. Матн шарқ қоғозига 17 қатор қилиб кўчирилган. Матн араб ёзувининг настаълиқ хат турида қора сиёҳда битилган. Матн у қадар хусниҳатда эмас. Пойгирлари бор. Қўлёмна 1252 ҳижрий, 1838 мелодий йилда кўчиргани.

Сулаймон Боқирғоний “Me’rājnāma”сининг бу нусхаси бошланиши ва охири юқоридаги нусхадан фарқ қилади:

حوش مرحمة خداييم كورونك نظر قىلدى يا

مصطفنى اوزروبان بيزنى امة قىلدى يا

Xuṣ marḥamat Xudāyīm körüñ nazar qıldiyā,

Mustafānī üzrübān, bizni ummat qıldiyā (63a).

асарнинг сўнги байти:

قول سليمان خوش ايدى رسول معراجين يايدي

رسول معراجين ايتيب دوستيغه يادكار قويديا

Qul Sulaymān xuṣ aydī, Rasul me’rājīn yaydī,

Rasul me’rājīn aytip, dostiğa yādgār qoydī (66a).

Муаллиф “Me’rājnāma” асарини ёзар экан, меърож воқеасини ўз даври ва ўзи мансуб бўлган тоифанинг қарашларидан келиб чиқиб талқин қилишини ҳисобга олсак, Яссавий мактаби намояндаларининг саҳиҳ ҳадисларни билиши

ва бу илмни чуқур эгаллагани маълум бўлади. Шу билан бир қаторда, бу илмлар билан бошқаларни ҳам баҳраманд этиш мақсадида адабиётга оид билимларни ҳам яхши ўзлашириб назмий асарлари орқали маърифат улашган мутасаввуфлар қаторига киритиш мумкин. Чунки, “Муаллиф қараши матнда акс этмасдан қолмайди. Матнда акс этган талқин йўналишига қараб, давр сиёсати, ижтимоий-иқтисодий шароит, мафкуравий йўналишлар, муаллифнинг шахси, ижтимоий мавқеи, унинг дунёқараши очиб берилади”¹.

Сулаймон Бақирғоний Яссавий мактаби шоирларининг забардаст вакили ҳисобланади. Шу сабабли унинг шеърларида Яссавий ижодига хос жиҳатлар кўп кузатилади. Устозига ҳурмат, унинг шеърларидан таъсирланиш натижасида Қул Сулаймон ҳам ўзига хос мактаб яратди дейиш мумкин. Унинг таъсирчан содда ва халқчил шеърлари, ҳикматга тўла назмга солинган сўзлари муаллиф ижодининг туркий халқлар орасида кенг тарқалиши ва кунимизга қадар етиб келишини таъминлади десак хато бўлмайди.

Алишер Навоий “*Nasāimu-l-muḥabbat*”да Қул Сулаймон ҳақида шундай маълумот беради: “...*Va Ḥakim ātaya ḥikmat tili goyā boluptur. Andāq-ki aniñ favāidī atrāk arasında maṣhurdur. Ūl jumladīn biri būdūr-kim:*

*Tiki turyan butādūr,
Baryanlarni yutadur.
Baryanlar kelmäs boldi,
Magar manzil andadur*²”.

1911 йилда ёзилган Жўйборзода қаламига мансуб “*Manāqib*”да ёзилишича “Ҳикоятда андоғ келиб турурким, Ҳаким ота алайҳир роҳма кичикликда мактабга борсалар, Қуръони Шарифни бошлариға кўтариб борур эрдилар. Барча ўғлонлар бўюнлариға кўтариб осиб борур эрдилар. Ва Ҳаким ота қайтарда юзларини устозлари сари қилиб, орқаларини уйлари сари қилиб келур эрдилар. Муборак отлари Сулаймон эрди. Кунлардан бир кун Хожа Аҳмад Яссавий раҳматуллоҳи алайҳир роҳма эшикларинда ўлтуруб эрдилар кўрсалар, бир бўлак ўғлон келурлар ва мактабга борур эрдилар. Буларнинг орасинда бир ўғлон Каломуллоҳни бошиға кўтариб борур эрди”. Буни кўриб қолган Хожа Аҳмад Яссавий раҳматуллоҳи алайҳи, Ҳаким Сулаймонни шогирдликка қабул қилиш мақсадида унга қараб айдилар: “Устозинг ижозат берса, албатта, келгил. Мен санга Қуръон ўргатайин”. Бу сўзни эшитиб, Сулаймон устозига адаб бирла салом қилди ва ижозат тилади. Устозлари ижозат берди. Ондин сўнг ота-онасидин

¹ Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. - Тошкент. 2019. Б 21.

² NKT 157a.

ижозат тилади. Ота-оналари ҳам ижозат бердилар. Ўзлари келиб, Хожа Аҳмад Яссавийдин Қуръон ўгранур эрдилар. Саҳл вақтда барча илмларни забт қилдилар. Ўн беш ёшига этгандин сўнгра масум эгач, тавба қилиб Хожа Аҳмад Яссавийга мурид бўлди. Барча тариқи адабларни забт қилиб, ўгранди. Кечаю кундуз шари адаб бирла хизмат қилур эрди”. Ҳаким ота у зотнинг қўлида таълим олиб, ўн беш ёшида муридликни қабул қилади¹.

Ушбу “Me’rājnāma”нинг ўзига хослигини, муаллиф асар матнида араб ва форс тилидаги сўзларга нисбатан соф туркий сўзларни кўпроқ қўллагани билан изоҳлаш мумкин. Бу эса “Me’rājnāma” асарини тадқиқ этиш орқали тилимизнинг янги қирраларини кашф этиб, ҳозирги кунда уни амалиётда қўллаш имконини беради. Асар бошланишида муаллиф Аллоҳ таълонинг сифатларини санар экан, ўзбек тили имкониятларидан кенг фойдаланган:

اول بېر و بار ايركلىك كوركلوك نظر قىلدى

مصطفنى اوزروبان بيزنى امّة قىلدى²

Ul Bir-u bar Erklig, Körklüg nazar qıldiyā,

Mustafānī üzrübān, bizni ummat qıldiyā.

“Me’rājnāma”нинг биринчи мисрасида Аллоҳ таълонинг сифатларини ўзбекча сўзлар орқали Bir-u bar (Якка-ю ягона), Erklig, (Қодир), Körklüg (Гўзал) ифодаланган.

Шунингдек, Сулаймон Боқирғаний асарнинг бир ўрнида иқтибос санъатини ҳам қўллайди:

اوز نوريدىن يراتدى حبيب تيوب اط قويدى

حجابلاردىن اوتوبان قاب قوسىن باردى

Öz nuridîn yaratti, ḥabib teyüp at qoydî,

Hijablardîn otuban qāba qāwsayn bardī yā.

Муаллиф “Me’rājnāma” асари дастлабки мисраларида Нажм сурасининг “**Бас, икки камон миқдоридай жойда бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди**” маъно таржимасидаги فَكْنَا قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى³ оятида келган قَابَ قَوْسَيْنِ (qāba qāwsayn) иборасини қўллаган бўлиб, мазкур мисрадан Ҳаким отанинг Қуръон ва ҳадис илмини пухта ўзлаштирганини билишимиз мумкин. Ушбу “qāba qāwsayn” ибораси назмий асар учун иқтибос тариқасида олингани учун оят тўлиқ олинмаган. Муаллиф иқтибос санъатини қачон ва қандай қўллаш лозимлигини жуда яхши ўзлаштириш билан бирга, унинг тартибига қатъий амал қилган. Бу

¹ С. Мустафо. Сулаймон Боқирғаний “Ҳидоят” журнали. 2019 йил, № 11. Б 15.

² МОН, 100а.

³ Нажм сураси 9-оят.

эса Қул Сулаймоннинг ўта хассос ижод аҳлидан эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Устози Хожа Аҳмад Яссавий ўзининг истедодли шогирди Ҳаким отани ўзга юртларга шайх қилиб юборишидаги асосий олий мақсади ҳам “Яссавия” талимотини, яъни тариқатини давом эттириб, шимолдаги чексиз ҳудудларни эгаллаб ётган саҳройи туркий қабилалари орасида исломни янада кенг ёйиш ва мустаҳкамлаш эди. Ҳаким ота эса, ушбу вазифани адо этиб, устозининг топшириқларини аъло даражада бажариб, бу ишларнинг уддасидан чиқади ва олтмиш ёшида 1186-йили бу фоний дунёдан кўз юмади. Унинг ёзган асарлари, устози Хожа Аҳмад Яссавийнинг асарлари каби ўлмас асарлар сирасига кириб, кўп асарлар давомида халқ орасида жуда машҳур бўлиб келган, ҳамда биз ва биздан кейинги келажак авлод учун ҳам бебаҳо мерос бўлиб қолди.

Сулаймон Боқирғоний “Меърожнома”си лексик қатламида қадимги туркий сўзларнинг қўлланилиши асарнинг ҳозирги кун тилшунослигимиз ва луғатшунослигимизни бойиши учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади

Туркий меърономаларда бадиийлик ва инсон зехнида мустаҳкам ўрнашинин таъминлаш мақсадида муаллифлар ташбеҳ, ташхис, иқтибос, истиора каби бадиий санъатларни ўз ўрнида қўллаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент, 2019.
2. Қобилов У. Нубувват ҳақиқати – бадиий ижод руҳи. Самарқанд, 2021.
3. Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Тошкент, 2010.
4. С. Мустафо. Сулаймон Боқирғоний “Ҳидоят” журнали. Тошкент, 2019.
5. Ан-На’им. Арабча-ўзбекча луғат. Тошкент, 2003.
6. Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969.
7. Рубинчик Ю.А. Персидско-русский словарь. Москва, 1970.